



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING QONUNI

Кўриклаш фаолияти тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 1 февралда
қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади кўриклаш фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Кўриклаш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик

Кўриклаш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг кўриклаш фаолияти тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг шартнома асосида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг объектларини кўриклаш учун тузиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган кўриклаш фаолиятининг тури;

идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган харбийлаштирилган кўриклаш – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ўта муҳим

хамда тоифаланган объектларни, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг объектларини шартнома асосида кўриқлаш бўйича махсус вазифаларни бажариш учун тузиладиган, хизмат фаолияти қоровуллик хизматини ташкил этиш ва ўташ тартиби талабларига мувофиқ ташкил этиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган кўриқлаш фаолиятининг тури;

идоравий қоровуллик – давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ўз объектларини кўриқлаш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган таркибий бўлинмаси томонидан ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юклатилган алоҳида ходими томонидан амалга ошириладиган кўриқлаш фаолиятининг тури;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш – давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг ўз объектларини кўриқлаш бўйича махсус вазифаларни бажариш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган, хизмат фаолияти қоровуллик хизматини ташкил этиш ва ўташ тартиби талабларига мувофиқ ташкил этиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган кўриқлаш фаолиятининг тури;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчиси ва хизматчиси – идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг кўриқлаш фаолиятини бошқариш, назорат қилиш ва амалга ошириш вазифалари ўз зиммасига юклатилган ишчиси ва хизматчиси;

назорат-ўтказиш режими – кўриқланадиган объектларга (кўриқланадиган объектлардан) шахсларнинг киришини (чиқишини), транспорт воситаларининг кириб келишини (чиқиб кетишини), мол-мулк олиб кирилишини (олиб чиқилишини), ташиб кирилишини (ташиб чиқилишини) назорат қилиш тартибини таъминловчи қоидалар мажмуи;

объектнинг ички режими – кўриқланадиган объектда белгиланган ички тартиб қоидаларига ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминловчи тадбирлар мажмуи;

кўриқланадиган объект – белгиланган тартибда кўриқлашга олинган жисмоний ва юридик шахсларнинг бинолари, иморатлари, иншоотлари, уларнинг ҳудудлари, жойнинг участкалари, транспорт воситалари, транспортда ташиладиган юклари, пул маблағлари, моддий бойликлари ва бошқа мол-мулки, шунингдек жисмоний шахс;

кўриқлашнинг муҳандислик воситалари – кўриқланадиган объектларни тажовузлардан механик жиҳатдан ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган қурилмалар ва иншоотлар;

қўриқлашнинг техник воситалари – қўриқланадиган объектларни тажовулардан химоя қилиш учун фойдаланиладиган, мустақил вазибаларни бажарадиган, конструктив жиҳатдан яқунланган қурилмалар;

қўриқлаш фаолияти – қўриқланадиган объектларни химоя қилиш, шунингдек юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларида назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларини таъминлаш бўйича фаолият.

4-модда. Қўриқлаш фаолиятининг асосий вазибалари

Қўриқлаш фаолиятининг асосий вазибалари қуйидагилардан иборат: жисмоний шахсларнинг ҳаётини ва соғлиғини тажовулардан химоя қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани ҳамда объектларини тажовулардан химоя қилиш;

қўриқланадиган объектлар худудида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш;

юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларида назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларини таъминлаш.

5-модда. Қўриқлаш фаолиятининг асосий принциплари

Қўриқлаш фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: қонунийлик;

қўриқланадиган объектнинг дахлсизлиғи;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини химоя қилиш.

6-модда. Ўта муҳим ва тоифаланган объектларни, шунингдек махсус юкларни қўриқлаш

Ўта муҳим ва тоифаланган объектлар рўйхати, мазкур объектларни қўриқлаш турлари, қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлашга доир талаблар, шунингдек махсус юкларни транспортда ташиш жараёнида уларни қўриқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

2-боб. Қўриқлаш фаолияти соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқланиши лозим бўлган объектлар рўйхатини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида кўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажариш учун рухсатнома бериш тартибини белгилайди;

кўриқлашнинг техник воситаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар (бундан буён матнда кўриқлаш-техник хизматлар деб юритилади) кўрсатиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабардор қилиш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан кўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият устидан назоратни амалга ошириш тартибини белгилайди, бундан яқка тартибда фойдаланиладиган кўриқлашнинг техник воситалари (автотранспорт воситаларини олиб қочишга қарши кўриқлашнинг техник воситалари ва бошқалар) устидан назорат қилиш мустасно;

хизмат қуролидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлашни, идоравий қоровулликни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг рўйхатини, шунингдек идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг касбий тайёргарлигини амалга ошириш тартибини белгилайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан шахсий кўриқдан ўтказишни, ашёларни, қўл юкини, багажни, транспорт воситаларини кўздан кечиришни амалга ошириш қоидаларини белгилайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар рўйхатини тасдиқлайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан қўлланиладиган хизмат қуролининг ҳамда унинг ўқ-дориларининг турлари, хиллари, моделларини, таъминот нормаларини, шунингдек идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчиларига ва хизматчиларига фойдаланиш учун рухсат этилган махсус воситалар рўйхатини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб хавфли юкларни ташиш жараёнида уларни кўриқлаш қоидаларини тасдиқлайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларида хизмат қуролининг ва унинг ўқ-дориларининг муомалада бўлиши тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг кўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси:

кўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан кўрсатиладиган кўриқлаш хизматлари учун тарифларни тасдиқлайди;

давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани, шунингдек хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини кўриқлашни амалга оширади;

кўриқлаш воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсат юритилишини, улардан фойдаланиш устидан самарали назоратни, шунингдек кўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг миқёсда жорий этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчилари ва хизматчиларининг формали кийим-боши ва фарқловчи белгилари намуналарини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан кўриқлаш хизматларини кўрсатиш бўйича шартномаларнинг намунавий шаклини тасдиқлайди;

саф бўлинмалари, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари томонидан кўриқлашнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда кўриқлаш хизматларини, шунингдек кўриқлаш-техник хизматларни кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Кўриқлаш бош бошқармасига кўриқлаш учун топширилган объектларни кўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талабларини, тартибини ҳамда шартларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида кўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни бажариш учун рухсатномалар беради;

кўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабардор қилиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

кўриқланадиган объектлар худудида жамоат тартибини сақлайди, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади ва уларга чек қўяди;

ўзгалар мол-мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини амалга оширади;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан қўлланилишига рухсат этилган махсус воситаларни олиш, транспортда ташиш, сақлаш, ҳисобга олиш, таъмирлаш ва йўқ қилиш қоидаларини тасдиқлайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, ахлоқий-руҳий ҳамда жисмоний тайёргарлигини амалга ошириш тартибини белгилайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари нарядлари томонидан хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги тавсияларни ишлаб чиқади;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг бошланғич тайёргарлигини ҳамда уларнинг малакаси оширилишини шартнома асосида таъминлайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг фаолияти ташкил этилишини назорат қилади, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ушбу бўлинмалар томонидан кўриқланадиган объектларида кўриқланиш, назорат-ўтказиш режими, кўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозланганлик ҳолатини текширади (икки йилда бир марта);

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг кўп сонини белгилайди;

кўриқлаш фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

кўриқлаш фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

9-модда. Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар

Қуйидагилар кўриқлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга:

давлат органларининг кўриқлаш бўлинмалари;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари;

идоравий қоровуллик бўлинмалари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўриқлаш фаолиятини чет давлатларнинг жисмоний шахслари ва ташкилотлари, шу жумладан хусусий ташкилотлари томонидан амалга оширишга йўл қўйилмайди, бундан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қисқа муддатли ташриф билан келган олий даражали меҳмонлар хавфсизлигини таъминлаш ҳоллари мустасно.

10-модда. Давлат органларининг кўриқлаш бўлинмалари

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи ҳарбий тузилмаларнинг тегишли бўлинмалари давлат органларининг кўриқлаш бўлинмаларидир.

Давлат органларининг кўриқлаш бўлинмалари жамоат тартибини сақлаш ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун белгиланган тартибда жалб қилиниши мумкин.

11-модда. Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари нарядлари томонидан хизматнинг ўталишини ташкил этиш ва хизматнинг ўталиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизматлари устави асосида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси билан келишилган, ўз тасарруфида идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар тасдиқлаган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси билан келишувга кўра ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган, тегишли фарқловчи белгилари бўлган формали кийим-бош кийиб юриш ҳуқуқига эга.

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмаларининг ишчиларига ва хизматчиларига белгиланган тартибда хизмат гувоҳномалари берилади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қонунчиликда идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ҳамда хизматчилари учун белгиланган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

12-модда. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари

Идоравий қоровуллик бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг хизматни ўташи тартиби давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва бошқа ташкилотларнинг идоравий ҳужжатларида белгиланади.

Идоравий қоровуллик бўлинмалари нарядларининг иш вакти ва сменаси давомийлиги Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

Идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари тегишли идоралар томонидан белгиланган тартибда жорий этилган махсус формали кийим-бошга, фарқловчи белгиларга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қонунчиликда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ҳамда хизматчилари учун белгиланган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

13-модда. Қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектлар

Қуйидагилар шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқланиши лозим бўлган объектларда, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан мажбурий қўриқланиши лозим бўлган ўта муҳим ва тоифаланган объектларда, шунингдек транспортда ташиладиган махсус юкларни қўриқлаш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги – қонунчиликда белгиланадиган транспортда ташиладиган юкларни ва бошқа объектларни қўриқлаш бўйича.

14-модда. Қўриқлаш фаолиятини шартнома тузмасдан амалга оширувчи субъектлар

Қуйидагилар қўриқлаш фаолиятини қонунчиликда берилган ваколатлар доирасида шартнома тузмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга:

давлат органларининг қўриқлаш бўлинмалари;
идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари;
идоравий қоровуллик бўлинмалари.

15-модда. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқлари

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қўриқлаш фаолиятини амалга оширишда фуқароларнинг ҳаётига ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш;

кўриқланадиган объект худудида жисмоний ва юридик шахслардан қонунчиликка риоя этишни, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан кўриқлаш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни бепул олиш, бундан қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилган ҳоллар мустасно;

радиоалоқани амалга ошириш учун радиочастотадан (радиотўлқиндан) белгиланган тартибда фойдаланиш;

буюртмачидан кўриқлаш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни, ахборотни олиш;

кўриқланадиган объектни кўздан кечириш.

Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16-модда. Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг мажбуриятлари

Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар кўриқланадиган объектлардаги хизматни ташкил этиш ва ўташ чоғида:

кўриқланадиган объектларнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаши;

кўриқланадиган объектларнинг барқарор фаолият кўрсатишини издан чиқаришга қаратилган қонунга хилоф ҳаракатларнинг олдини олиши ва ташиладиган юкларнинг бут сақланишини таъминлаши;

кўриқланадиган объектларда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф қилишда иштирок этиши;

кўриқланадиган объектга қонунга хилоф равишда кирган шахсларни кидириш ва ушлашда иштирок этиши;

назорат-ўтказиш режимини ташкил этиши ва кўриқланадиган объект худудида объектнинг ички режимига риоя этилишини назорат қилиши;

кўриқлаш фаолиятига замонавий техник воситалар ва тизимларни жорий этиши ҳамда улардан самарали фойдаланиши;

кўриқланадиган объектлар худудида жамоат тартибини сақлаши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши ва уларга чек қўйиши;

кўриқлаш фаолиятини амалга ошириш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган давлат сирларини ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ошкор қилмаслиги шарт.

Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

17-модда. Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг жавобгарлиги

Кўриқлаш хизматларини кўрсатишга доир шартномага мувофиқ кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз ҳаракатлари

(харакатсизлиги) натижасида кўриқланадиган объектга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплаши шарт.

Зарарнинг ўрнини қоплаш миқдори ва шартлари кўриқлаш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги икки томонлама шартномада белгиланади.

Кўриқлаш фаолиятини шартнома тузмасдан амалга оширувчи субъектларнинг ҳаракатлари (харакатсизлиги) натижасида кўриқланадиган объектга зарар етказилган тақдирда жавобгарлик қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

**4-боб. Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар
ҳарбий хизматчиларининг, ходимларининг, ишчилари
ҳамда хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**18-модда. Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар
ҳарбий хизматчиларининг, ходимларининг,
ишчилари ва хизматчиларининг ҳуқуқлари**

Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари хизматни ўтаётганда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

жисмоний ва юридик шахслардан белгиланган назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларига, шунингдек жамоат тартибига риоя этилишини талаб қилиш;

кўриқланадиган объект ҳудудидан мол-мулкни қонунга ҳилоф равишда олиб чиқишга ёки кўриқланадиган объектга тақиқланган предметларни олиб киришга уриниш чоғида шахсларни ушлаш;

кўриқланадиган объектлардаги мол-мулкни сақлаш шароитларини, кўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари ҳолатини ҳамда созлигини текшириш, аниқланган қоидабузарликларнинг, камчиликларнинг бартараф этилишини талаб қилиш;

кўриқланадиган объектга қонунга ҳилоф равишда кирган ёки кўриқланадиган объектда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг шахсини аниқлаш, уларни ушлаш ҳамда кўриқлаш хизмати хонасига етказиш (бундай ваколатлари мавжуд бўлмаганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларини чақириш);

муомалада бўлиши чекланган моддалар, шу жумладан объектга олиб кириш (ундан олиб чиқиш) учун тақиқланган предметлар рўйхатига кўриқланадиган объект маъмурияти томонидан киритилган моддалар бор деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, фуқароларни шахсий кўриқдан ўтказиш, уларнинг ашёларини, қўл юкини, багажини кўздан кечириш ҳамда уларни олиб юриш ва сақлаш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда мазкур предметлар, воситалар ва моддаларни олиб қўйиш, шунингдек транспорт воситаларини кўздан кечириш, уларда

ташилаётган юкларнинг илова қилинадиган ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш;

қўриқланадиган объектдаги, патрулик йўналишидаги ходисани, содир этилган ҳуқуқбузарликни белгиланган тартибда расмийлаштириш, жиноят изларини сақлаш мақсадида фуқаролардан ходиса жойини тарқ этишни талаб қилиш;

қонунчиликда назарда тутилган тартибда хизмат қуролини ҳамда махсус воситаларни олиб юриш ва улардан фойдаланиш, шунингдек жисмоний куч ишлатиш.

Қўриқлаш бўлинмаларининг хизматни ноқулай меҳнат шароитларига эга бўлган объектларда ўтайдиган ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари ушбу объектларнинг ходимлари учун назарда тутилган меҳнат соҳасидаги қўшимча кафолатлардан фойдаланади. Меҳнат соҳасидаги қўшимча кафолатлар қўриқлаш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномада акс эттирилади.

19-модда. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ҳарбий хизматчиларининг, ходимларининг, ишчилари ва хизматчиларининг мажбуриятлари

Қўриқлаш бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари қўриқлаш тури, шакллари, усулларидан қатъи назар, хизматни ўташ вақтида:

қўриқланадиган объектларни ҳимоя қилиши, белгиланган тартибга ва қўриқлаш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этиши, қўриқланадиган объектни кузатиб боришни амалга ошириши;

ўз ваколатлари доирасида жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни, шунингдек юридик шахсларнинг мол-мулкни ҳимоя қилиш учун зарур чоралар кўриши;

хизматни ўташ жойларида жамоат тартибини сақлаши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши ва уларга чек қўйиши;

қўриқланадиган объектда ҳуқуқбузарликларнинг ва ҳодисаларнинг излари сақланишини таъминлаши;

ходиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ҳаётига ва соғлиғига зарар етказилган шахсларга биринчи ёрдам кўрсатиши ёки шундай ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши;

қўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фуқаролар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликни амалга ошириши;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал этишда ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши;

қўриқланадиган объектлардаги табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф қилишда иштирок этиши;

кўриқланадиган объектда назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларига риоя этилишини кўриқланадиган объект маъмурияти томонидан кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар билан келишувга кўра тасдиқланган қоидаларга мувофиқ таъминлаши;

ўзига ишониб топширилган хизмат куролининг ва унинг ўқ-дориларининг, махсус ва техник воситаларнинг, шахсий ҳимоя воситаларининг ҳамда мол-мулкнинг хавфсиз ва лозим даражада сақланишини таъминлаши;

белгиланган тартибда махсус формали кийим-бошини кийиши ва фарқловчи белгиларини тақиб юриши;

кўриқлаш фаолиятини амалга ошириш чоғида ўзларига маълум бўлиб қолган хизматга доир ахборотнинг ва бошқа ахборотнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ҳарбий хизматчиларининг, ходимларининг, ишчилари ва хизматчиларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

5-боб. Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчиларига, ходимларига, ишчилари ва хизматчиларига қўйиладиган талаблар

20-модда. Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари лавозимларига номзодларга қўйиладиган талаблар

Қуйидаги шахслар кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи бўлинмаларга ишга (хизматга) қабул қилинмайди:

қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

жиноий жазони ўтаётган шахслар;

мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган, шунингдек жамоат тартибига ёки бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун бир йил ичида такроран маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар;

руҳий касалликлари бўлган, наркологик касалликларга чалинган, шунингдек соғлиғининг ҳолатига нисбатан белгиланган талабларга жавоб бермайдиган шахслар;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

умумий ўрта ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлмаган шахслар; чет эл фуқаролари бўлган шахслар.

Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи бўлинмаларга ишга (хизматга) кириш учун номзодларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ қўшимча талаблар қўйилиши мумкин.

21-модда. Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчиларини, ходимларини, ишчилари ва хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш

Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари қуйидаги тартибда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш ўқув курсларида ўқувдан ўтади:

давлат органлари кўриқлаш бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари – тегишли органлар томонидан тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида;

хизмат қуролидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари – шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг таълим муассасаларида ҳамда рўяхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа таълим ташкилотларида;

хизмат қуролидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари – мустақил равишда ўз бўлинмаларида, шунингдек ихтиёрий тартибда – шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси таълим муассасаларининг ўқув курсларида.

22-модда. Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ҳарбий хизматчиларининг, ходимларининг, ишчилари ва хизматчиларининг касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлиги

Давлат органларининг кўриқлаш бўлинмалари ҳарбий хизматчиларининг, ходимларининг, ишчилари ва хизматчиларининг касбий, жисмоний ҳамда жанговар тайёргарлигини ташкил этиш тартиби улар қайси органнинг тасарруфида бўлса, ўша орган томонидан белгиланади.

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари махсус ўқув дастурлари бўйича махсус тайёргарликдан (хизмат тайёргарлигидан, жисмоний, жанговар тайёргарликдан) ўтади. Махсус тайёргарлик (хизмат

тайёргарлиги, жисмоний, жанговар тайёргарлик) бўйича машғулотлар ўтказиладиган вақт иш вақтига киритилади.

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари бир йилда бир марта мажбурий тиббий кўриқдан ўтади, бундан қонунчиликда давлат органларининг кўриқлаш бўлинмалари ходимлари учун мажбурий тиббий кўриқдан ўтишнинг бошқача муддати белгиланган ҳоллар мустасно.

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг махсус тайёргарлик (хизмат тайёргарлиги, жисмоний, жанговар тайёргарлик) бўйича ўқув дастурлари фанларини ўзлаштирмаган ҳарбий хизматчиларига, ходимларига, ишчилари ва хизматчиларига кўриқлаш фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

6-боб. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва хизмат қуролини қўллаш

23-модда. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва хизмат қуролини қўллаш шартлари

Давлат органлари кўриқлаш бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари ва ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ҳамда хизмат қуролини қўллаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда хизмат қуролини ҳамда махсус воситаларни олиб юриш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва хизмат қуролини қўллаш ҳуқуқига эга.

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ҳамда хизмат қуролини қўллаш билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини аниқлаш учун даврий текширувлардан ўтиши керак. Махсус тайёргарликдан ўтган ишчилар ва хизматчиларга белгиланган намунадаги сертификатлар берилади.

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва хизмат қуролини қўллаш билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини аниқлаш учун текширувдан ўтмаган ишчилари ва хизматчилари жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ҳамда хизмат қуролини қўллаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа лавозимга меҳнат шартномасига мувофиқ ўтказилади ёки улар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Жисмоний куч ишлатишдан, махсус воситаларни ҳамда хизмат қуролини қўллашдан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундан бундай огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг, идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчисининг ва хизматчисининг ҳаёти ҳамда соғлиғи учун бевосита хавф туғдирадиган ва бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситаларнинг ёки хизмат қуролининг қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари, агар юзага келган вазиятда махсус воситаларни ёки хизмат қуролини қўллаш учун мазкур моддада, ушбу Қонуннинг 25 ва 26-моддаларида назарда тутилган асослар юзага келиши мумкин деб ҳисобласа, махсус воситаларни ёки хизмат қуролини қўллаш учун тайёрлаш ҳамда уларни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки хизмат қуроли қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши ҳамда энг қисқа муддатларда тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши керак.

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари жисмоний куч ишлатилган, махсус воситалар ҳамда хизмат қуроли қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида бевосита бошлиғига дарҳол хабар бериши шарт.

Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъект жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек хизмат қуроли қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида прокурорга ва ички ишлар органларига дарҳол хабар беради.

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчилари ва хизматчиларининг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки хизмат қуролини қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиққанлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки хизмат қуролини қўллаш қонунчиликда белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилган бўлса, идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари бундай жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки хизмат қуролини қўллаш чоғида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Агар идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки хизмат қуроли қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у вафот этса, идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

24-модда. Жисмоний куч ишлатиш

Агар куч ишлатилмайдиган усуллар идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, улар қуйидаги ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гуруҳ) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанг усулларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади:

кўриқланадиган объектга тажовузларнинг олдини олишда ва унинг худудидаги ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатишда;

кўриқланадиган ҳудудда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни ушлаб туришда ва уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширишда;

кўриқлаш бўлинмасининг ҳарбий хизматчиси, ходими, ишчиси ва хизматчисининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этишда.

Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари ушбу Қонунда махсус воситалар ёки хизмат қуроли қўлланилишига рухсат этилган ҳолларда ҳам жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқига эга.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги, фуқароларнинг ёхуд кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъект ҳарбий хизматчисининг, ходимининг, ишчиси ва хизматчисининг ҳаётига ҳамда соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, ҳужум қилинганлиги ҳоллари мустасно.

25-модда. Махсус воситаларни қўллаш

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қуйидаги ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

кўриқланадиган объектга қилинган ҳужумни қайтаришда;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчисига ва хизматчисига ёки кўриқланадиган объект худудидаги фуқарога қилинган ҳужумни қайтаришда;

идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчисига ва хизматчисига кўрсатилаётган қаршиликка барҳам беришда;

кўриқланадиган объектда ҳуқуқбузарлик содир этиш чоғида кўриб қолинган шахсни ушлашда, агар ушбу шахс қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлса;

ушлаб турилган шахсларни олиб бориш ва кўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

кўриқланадиган объектда ҳайдовчиси кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектнинг ҳарбий хизматчиси, ходими, ишчиси ва хизматчиси талабларини бажармаган транспорт воситасини тўхтатиш зарур бўлганда.

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қуйидаги махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

резина таёқларни – ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда;

кўлкишанларни ёки бошқа боғлаш воситаларини – ушбу модда биринчи қисмининг учинчи – олтинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда;

хизмат (кўриқчи) итларини – ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи – олтинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда;

транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш воситаларини – ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда.

Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари ушбу Қонунда хизмат қуролини ишлатишга рухсат этилган барча ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга.

Махсус воситалар, агар идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан огоҳлантирувчи ҳаракатларнинг бошқа барча шаклларида фойдаланилса ва улар кутилган натижаларни бермаса, қўлланилади.

Махсус воситаларнинг қўлланилиши учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига хавф туғдирмаслиги ва мол-мулкига зарар етказмаслиги керак.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга ҳамда ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан махсус воситаларни қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг ҳаётига ҳамда соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Одамнинг бошига, бўйнига, ўмров суягига, қорнига, жинсий аъзоларига, юрак соҳасига резина таёқ билан зарбалар бериш тақиқланади, бундан одам қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг ҳаётига ҳамда соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

26-модда. Хизмат қуролини қўллаш

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қуйидаги ҳолларда хизмат қуролини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади:

қўриқланадиган шахсни ва қўриқланадиган объектда бўлган бошқа фуқароларни ҳужумдан ҳимоя қилишда, агар ҳужум ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш билан қилинган бўлса;

қўриқланадиган объектларга қуролли ҳужумни ёки гуруҳ бўлиб қилинган ҳужумни қайтаришда;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг ҳаётига ва соғлиғига таҳдид соладиган ҳужумни қайтаришда, шунингдек хизмат қуролини эгаллаб олишга бўлган уринишларнинг олдини олишда;

ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида қўриб қолинган ва қўриқланадиган объект ҳудудидан яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ўзидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, захарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

агар ҳайдовчи қўриқланадиган объект ишчилари ва хизматчиларининг, қўриқланадиган шахснинг ҳаётига ҳамда соғлиғига ҳақиқий хавф туғдирса ва идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиси ва хизматчисининг қонуний талабларига қарамасдан тўхташни рад этса, ушбу транспорт воситасини унга шикаст етказиш йўли билан тўхтатишда;

инсоннинг ҳаётига ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда;

хизмат қуролини қўллаш нияти тўғрисида огоҳлантириш сифатида ўқ отишда, юқорига қарата ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигналани беришда ёки ёрдамга чақиришда.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчиси ва хизматчиси хизмат қуролини қўллашдан олдин огоҳлантириши шарт, бундан уларнинг ўз ҳаётига ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган ҳоллар мустасно.

Аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан хизмат қуролини қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли ҳужум қилганлиги, қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиси ва хизматчисининг ҳаётига ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Агар хизмат қуроли қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари кўп

фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас, бундан террорчилик ҳаракатининг олдини олиш, гаровдагиларни озод қилиш, қуролли ҳужумни қайтариш ҳоллари мустасно.

27-модда. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар томонидан хизмат (қўриқчи) итларидан фойдаланилиши

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун хизмат (қўриқчи) итларидан фойдаланиши мумкин. Хизмат (қўриқчи) итлари хизматда фойдаланишга яроқли деб топилган бўлиши ва уларнинг ветеринар паспорти бўлиши керак.

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари қўриқланадиган ҳудудни хизмат (қўриқчи) ити билан айланиб чиқиши вақтида хизмат (қўриқчи) ити тасмада ва тумшукбоғда бўлиши керак. Жамоат жойларида ва одамлар гавжум бўлган жойларда махсус тайёргарликдан ўтказилмаган хизмат (қўриқчи) итларидан фойдаланиш тақиқланади.

Одамлар бўлмаган вақтда ёпиқ ҳудудда хизмат (қўриқчи) итларидан қўриқлаш бўлинмаси ходимининг назорати остида тасмасиз фойдаланишга рухсат берилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

28-модда. Қўриқлаш фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Қўриқлаш фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

29-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

30-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
 ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
 давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

31-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2022 йил 15 июнь
№ ЎРҚ-778



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Об охранной деятельности

Принят Законодательной палатой 1 февраля 2022 года
Одобен Сенатом 28 апреля 2022 года

Глава 1. Общие положения

Статья 1. Цель настоящего Закона

Целью настоящего Закона является регулирование отношений в области охранной деятельности.

Статья 2. Законодательство об охранной деятельности

Законодательство об охранной деятельности состоит из настоящего Закона и иных актов законодательства.

Если международным договором Республики Узбекистан установлены иные правила, чем те, которые предусмотрены законодательством Республики Узбекистан об охранной деятельности, то применяются правила международного договора.

Статья 3. Основные понятия

В настоящем Законе применяются следующие основные понятия:

